

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЛОБАР ИБРОҲИМ ҚИЗИ**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗ ДАВРЛАРИДА ТЎШ-ҚОВУРҒА  
КОМПЛЕКСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ТАЪСИРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Иброҳимова Лобар Иброҳим кизи**

Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига  
экспериментал қандли диабетнинг таъсири ..... 5

**Иброҳимова Лобар Иброҳим кизи**

Влияние экспериментального сахарного диабета на формирование грудинно-  
реберного комплекса в постнатальном онтогенезе ..... 25

**Ibrokhimova Lobar Ibrokhim kizi**

Influence of experimental diabetes on the formation of the sternocostal complex in  
postnatal ontogenesis..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 54

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЛОБАР ИБРОҲИМ ҚИЗИ**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗ ДАВРЛАРИДА ТЎШ-ҚОВУРҒА  
КОМПЛЕКСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ТАЪСИРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич</b><br>тиббиёт фанлари доктори  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Рахматова Муқаддас Холтаевна</b><br>тиббиёт фанлари доктори<br><b>Папая Келеч</b><br>тиббиёт фанлари доктори (Туркия) |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўш давлат университети</b><br>(Қирғизистон Республикаси)  |

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: info@ [buxmi@mail.ru](mailto:buxmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Б.З. Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қандли диабет тарқалишининг кўпайиши бутун дунё бўйлаб ҳақиқий таҳдиддир. Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб 422 миллиондан ортиқ бемор қандли диабетдан азият чекмоқда, уларнинг 199 миллиондан ортиғи аёллардир. 2040 йилга келиб диабетга чалинган аёллар сони 313 миллионга етиши кутилмоқда. Қандли диабет билан оғриган ҳар беш аёлдан иккитаси (60 миллиондан ортиқ) репродуктив ёшга мансуб. Қандли диабет бутун дунё бўйлаб аёллар ўлимининг тўққизинчи асосий сабаби бўлиб, ҳар йили 2,1 миллион аёл диабетдан вафот этади. 1-тоифа диабетга чалинган аёлларда эрта тушиш ёки ногиронлиги бўлган бола туғилиши хавфи ортади.

Адабиётларда ҚД касаллигининг организмга етказадиган таъсири даражасини ташхислаш, янгича даволаш чора-тадбирлари, «...муносиб реабилитация жараёнларини ташкил этиш ва айниқса кузатилиши мумкин бўлган асоратларини башоратлашга йўналтирилган салмоқли илмий тадқиқотлар мавжуд...»<sup>1</sup>. Аммо ҚД кузатилган оналардан дунёга келган болаларнинг организмида, аъзо ва тизимларида шаклланиш жараёнлари, айниқса суяк бойлам аппаратининг тараққий этиши ва ўсишидаги салбий оқибатларни келтириб чиқарилиши жуда санокли илмий нашрларда баён қилинган. Бола кўкрак қафасининг ўсиш жараёнини аниқлашда кўкрак қафаси ва умуртқа поғонаси суяклари кўрсаткичлари яққол баҳолаш мезони ҳисобланади.

Жаҳонда қандли диабет таъсирида тўш суяги ўсиш зоналари параметрларини морфофункционал тавсифлаш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ТҚК суяк-бойлам тизими ўсиш жараёнида морфологик тузилмаларнинг экспериментал қандли диабет чақирилган каламушларда кузатувнинг турли муддатларида морфологик ўзгаришларини ҳамда тажрибада ўсиш пластинкаси элементлари тузилишидаги ўзгаришлари даражаси ва бу ўзгаришларнинг суяк тузилишида морфологик намоён бўлишини баҳолашни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда. Шулар билан бир қаторда инсулин коррекция қилинган қандли диабет шароитида дифференциаллашаётган тоғайларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларини таҳлил қилиш ва тўш суягининг турли соҳалари, яъни тоғай, суяк ва суяк усти пардалари хужайравий таркибининг суякланиш интенсивлигидаги аҳамиятини ҳамда кузатиладиган морфологик ўзгаришлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва шаклий ўзгаришларни олдини олишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар орасида ТХТ туғма аномалияларининг шаклланиши ва

---

<sup>1</sup> Григорян О.Р., Михеев Р.К., Куринова А.Н., Чернова М.О., Сазонова Д.В., Ахматова Р.Р., Ибраимова Л.И., Абсаттарова Ю.С., Шереметьева Е.В., Дегтярева Е.И., Андреева Е.Н. Сравнительный анализ влияния факторов риска на течение и исходы беременности при гестационном сахарном диабете. *Проблемы Эндокринологии*. 2021;67(3):78-86. <https://doi.org/10.14341/probl12756>

ривожланишининг олдини олиш, ушбу касалликлар ривожланиши тенденциясини пасайтириш, ушбу ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунга асосан кўкрак қафаси деформациялари ҳолатини аниқлаш, улар ҳаёт сифати билан боғлиқлигини баҳолаш, шу асосда ушбу болаларда кўкрак қафаси деформацияларини бирламчи профилактикасига янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узоқ хориж (Erjavec K, et al., 2016; Pongcharoen T, Gowachirapant S, et al., 2016; Metzger BE, Coustan DR, Trimble ER., 2019; Zhuang W, Lv J, Liang Q, et al., 2020;) ва яқин хориж (Жученко Л.А. 2009; Янкина С.В., ва бошқ., 2018; Епишкина-Минина А.А., Хамошина М.Б., 2018; Гурьев Д.Л., Охупкин М.Б., 2019; Белоцерковцева Л.Д., 2020) олимлари илмий адабиётлари шарҳининг кўрсатишича, қандли диабет таъсирида ривожланиш аномалиялари ва туғма патологиялари этиологияси ҳамда, таянч ҳаракат тизими шикастланишининг патоморфологик моҳияти ҳозиргача аниқ ўрганилмаган. Афсуски, чоп этилган манбалар қандли диабетнинг суяк ўсишига таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди. Постнатал онтогенезнинг турли даврларида таянч ҳаракат тизими тузилмаларининг динамикада морфологик ривожланиши,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

қандли диабет таъсирида ўсиш пластинкаси тузилмаларининг ёш даврларидаги шаклланиш механизмлари, эрта постнатал даврларда қандли диабет ҳолатининг коррекция қилиниши фонида суякланиш интенсивлигининг суяқлар постнатал ривожланиш динамикаси ҳақида асосланган тасаввурлар йўқ. Қандли диабетда тўш-қовурға тузилмалари ҳолатини стабилловчи фармакологик коррекция қилишнинг бола таянч-ҳаракат тизими постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири аҳамияти ҳам маълум эмас.

Ўзбекистонда эндокрин касалликлар таъсирида таянч-ҳаракат тизими туғма ривожланиш нуқсонларининг морфологик кўрсаткичларини баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Рахимов К.Р., 2001; Исмаилов С. И., 2004; Ахмедов Ш.М., 2016; Миршаропов У.М., Ахмедова С.М., 2018; Расулов Ҳ.А., 2004-2020; Хидирова Г.О., 2021; Тешаев Ш.Ж., 2022), бироқ, тўш-қовурға мажмуасининг параметрлари ва қандли диабет таъсиридаги ўзгаришларнинг морфометрик параметрлари ўрганилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, тўш-қовурға мажмуаси ва унинг пренатал даврдаги қандли диабет таъсиридаги морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш ва бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш тизимини яратиш масаласи фундаментал тиббиётда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экспериментал қандли диабет таъсирида тўш қовурға комплекси тузилмалари (суяк-тоғай, бойлам аппарати)нинг морфологик ўсиши ва ривожланиш динамикасини постнатал онтогенез босқичларида баҳолашдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

постнатал онтогенезнинг турли даврларида назорат ва қандли диабет таъсирида ривожланган тўш-қовурға комплекси морфологик шаклланишини солиштирма баҳолаш;

назорат ва экспериментал қандли диабет таъсирида ривожланган авлодда тўш-қовурға комплекси анатомик элементларини қиёсий морфометрик таҳлил қилиш;

экспириментал қандли диабет ва уни коррекция қилинган ҳомиладорликдан туғилган авлодлар қонида менераллар алмашинуви ва суякланиш маркерларининг ўзгариш динамикасини баҳолаш;

қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда гипергликемияни коррекциялаш натижасида авлодлар тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тана вазни 150-200 гр бўлган 34 та жинсий етук урғочи ва 10 та эркак лаборатор каламушлар, физиологик кўпайтириш натижасида туғилган жами 128 та бола каламушлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида назорат ва экспериментал ҳайвонлардан туғилган авлод каламушларининг тўш-қовурға комплекси тузилмаларидан морфологик ва лаборатор тадқиқотлар учун материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда макроскопик, гистологик, гистокимёвий, морфометрик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қандли диабет чақирилган каламушлардан туғилган авлодлар тўш-қовурға комплекси анатомик тузилмаларининг (суяк-тоғай ва бойлам) постнатал шаклланиши хусусиятлари комплекс тарзда морфологик таҳлили меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилиши ҳомиладорлик давридаги экспериментал қандли диабет чақирилган каламушлардан туғилган авлод тўш-қовурға тузилмаларининг постнатал ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг хужайралари дифференциаллашуви ва диабет таъсирида функционал бузилиши билан бирга кечганлиги, хондрокитлар дифференциаллашувининг секинлашиши натижасида ўсиш суръатининг орқада қолиши кўринишларида намоён бўлиши исботланган;

қандли диабет чақирилган ҳомиладорликдан туғилган авлодда тўш пролифератив қатлами юпқалашиб, тоғай устунчалари ва уларнинг хужайра колониялари параметрларининг камайиши, минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичлари ўзгаришларининг ўзаро тўғри пропорционалиги аниқланган;

қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда актрапид препарати билан коррекциялаш гипергликемиянинг салбий таъсирини сезиларли пасайиши, тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви мўътадиллашишига, лекин бойлам тузилмалари фиброархитектоникасига негатив таъсири сезиларли камайиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қандли диабет фонида ўсиш зонаси тоғай қатламларининг ўзгариши суяк ўсиш жадаллиги морфологик динамикасига аҳамиятли таъсири тизимлаштирилган;

тўш суяги ўсиш зоналарининг иккиёқлама йўналиши ҳамда қовурғаларни тўшга бирикиш соҳаси анатомик элементларининг фиброархитектоникаси ҳамда уларнинг морфофункционал кўрсаткичларининг рақамли катталикларда ифодаланиши суяк ўсиши жараёнларига таъсир этишга қаратилган амалий чораларни белгилаш учун асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини

тўлдирувчи морфологик, морфометрик, биокимёвий, гистокимёвий усулларни баҳолаш ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тўш суягининг энхондрал суякланиши ва қандли диабет таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифлашни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабетнинг турли муддатларида ТҚК суяк-тоғай қатламларининг дифференциаллашуви билан боғлиқ назарий маълумотлари кенгайтирилганлиги, ўсувчи организмдаги қандли диабет ҳолати постнатал онтогенезнинг эрта даврларида ва кейинчалик турли ёш даврларидаги ривожланиш механизмлари очиб берилганлиги, тўшнинг тоғай пластинкалари ва бойлам аппарати ўсиш интенсивлигини морфологик ва морфометрик ёритиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўкрак қафасида шаклий ўзгаришларнинг ривожланишига ўсувчи организмда қандли диабет ҳолати, шунингдек, тўш ва қовурға тоғай қатламларининг ўзгарганлиги туфайли морфофункционал мезонлар ишлаб чиқилганлиги, экспериментал қандли диабетнинг пренатал даврда коррекция қилиниши имконияти яратилганлиги, ҳамда экспериментал қандли диабетнинг давомийлиги ортиб бориши билан тўш-қовурға комплекси тўқималарининг дифференциаллашуви бузилишининг тўғри пропорционаллигини баҳолаш тизими яратилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги №03/112 сонли хулосасига кўра:

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор қандли диабет чақирилган каламушлардан туғилган авлодлар тўш-қовурға комплекси анатомик тузилмаларининг (суяк-тоғай ва бойлам) постнатал шаклланиши хусусиятлари комплекс тарзда морфологик таҳлили, меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилиши, хомиладорлик давридаги экспериментал қандли диабет чақирилган каламушлардан туғилган авлод тўш-қовурға тузилмаларининг постнатал ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: қандли диабет билан оғриган оналардан туғилган болаларда тўш-қовурға комплекси ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини амалий ва назарий жихатлари такомиллаштирилиб, авлодларда келиб чиқувчи туғма нуқсонни ривожланишига таъсир қилувчи омилларни камайтирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Андижон вилояти ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 05.07.2023 йилдаги 20-сонли буйруқ ҳамда, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 05.07.2023 йилдаги 31/5-1/СН сонли буйруғи билан амалиётга тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўсувчи организмда тўш-қовурға комплексида ўсиш зоналари ва пай-бойлам тузилмалари морфологик тузилишини ва унинг таркибий ўзгаришларини ўрганиш натижалари диабет таъсирида организмда постнатал онтогенезда юзага келадиган таянч-ҳаракат тизими патологик жараёнлари, хусусан кўкрак қафаси деформацияларининг мураккаб механизмини очишга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

1) қандли диабет таъсирида авлодларда келиб чиқадиган ўзгаришларни морфологик таҳлиллари ва меъёрий кўрсаткичлар билан солиштириш, уларда ривожланадиган нуқсонларни камайишига олиб келиши, бунинг ҳисобига даволаш учун сарфланадиган харажатларни 50% га камайтиришга эришилган.

2) пренатал даврда ҳомиладор оналарда қандли диабетни вақтида аниқлаш ва ҳомиладорликни тўғри олиб бориш ҳисобига кўп харажатли ва кўп вақт талаб қилувчи текширув усулларини қўллаш сарф харажатларни ўртача ҳар бир бола учун 100 000 сўмга камайтирган;

Хулоса: экспериментал қандли диабет модели таъсирида авлодларда келиб чиқадиган ўзгаришларни юқорида келтирилган текширув усулларидадан фойдаланиш 100 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди, бу қандли диабет билан оғриган оналардан туғилган болаларда туғма нуқсонлар билан туғилиш хавфини камайтириб, нуқсонли болаларга бўлган сарф-харажатни сезиларли иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабетнинг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 6 ноябрдаги 03/2374-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг хужайралари дифференциаллашуви ва диабет таъсирида функционал бузилиши билан бирга кечганлиги, хондроцитлар дифференциаллашувининг секинлашиши натижасида ўсиш суръатининг орқада қолиши кўринишларида намоён бўлиши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: экспериментал тадқиқот натижалари асосида ҳомиладорликда қандли диабет чақирилгандан сўнг, тўш-қовурға комплекси тузилмалари хужайралари морфологиясини ўрганиш, кузатилиши мумкин бўлган кўкрак қафаси деформацияларини олдини олиш имконини берувчи самарали усул сифатида тавсия этилади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Андижон вилояти ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 05.07.2023 йилдаги 20-сонли буйруғи ҳамда Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 05.07.2023 йилдаги 31/5-І/СН сонли буйруғи билан амалиётга тадбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: келтирилган морфологик таҳлилларнинг натижалари, таклиф этилган алгоритмлар гестоз диабетга комплекс ёндашувдан фойдаланиш, улардан туғиладиган авлодларда тўш-қовурға комплексида келиб чиқадиган деформацияларни олдини олиб, аҳоли ижтимоий аҳволини яхшилашга эришилади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

1) қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси тузилмалари хужайралари морфологиясини ўрганиш, уларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўрсаткичларни меъёр билан таҳлил қилиб солиштириш, авлодларда ривожланадиган нуқсонларни ҳамда хавф гуруҳи омилларини камайишига олиб келиши ҳисобига диагностика учун сарфланадиган харажатларни 35 % га камайтиришга эришилади.

2) тўш-қовурға комплекси деформациялари белгисини эҳосуръатда ташхислаш травматолог-ортопедлар ва педиатрлар томонидан аниқланади, яъни унга махсус малака оширган шифокорларнинг кераги йўқлиги исботланиб, ортикча сарф харажатлар билан янги кадр таёрлашни шарт эмаслиги ҳисобига иқтисод қилишга эришилади.

Хулоса: қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси деформациялари белгиси исботланган янги туғилган чақалоқнинг туғруқдан кейинги эрта ташхисини талаб қилиши ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 60 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 30 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Постнатал онтогенез давларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабетнинг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 6 ноябрдаги 03/2374-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: қандли диабет чақирилган ҳомиладорликдан туғилган авлодда тўш пролифератив қатлами юпқалашиб, тоғай устунчалари ва уларнинг хужайра колониялари параметрларининг камайиши, минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичлари ўзгаришларининг ўзаро тўғри пропорционаллиги аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси тузилмалари, хусусан ўсувчи зонаси тоғай пластинкаси параметрларининг камайиши, минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичларини аниқлаш суяк тузилмаларида суякланиш жараёнини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, суякларнинг ўсиши ҳамда шаклланишини батафсил ва замонавий усулларда чуқур ўрганиш, амалий тиббиётда аналогик ҳолатларда даволаш ва реабилитация жараёнларини оқилона ўтказишга имкон беради, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга сабаб бўлади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Андижон вилояти ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 05.07.2023 йилдаги 20-сонли буйруқ ҳамда Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 05.07.2023 йилдаги 31/5-1/СН сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси тузилмалари, хусусан ўсувчи зонаси тоғай пластинкаси параметрлари, минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичларини эрта аниқлаш суяк тузилмаларида суякланиш жараёнини меъёрлашувига, бу эса кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига олиб келади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси тузилмалари хусусан ўсувчи зонаси тоғай пластинкаси параметрларининг камайиши, минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичларини аниқлаш суяк тузилмаларида суякланиш жараёнини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, суякларнинг ўсиши ҳамда шаклланишини батафсил ва замонавий усулларда чуқур ўрганиш, уларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ва кўрсаткичларни меъёр билан таҳлил қилиб солиштириш, авлодларда ривожланадиган нуқсонларни ҳамда хавф гуруҳи омилларини камайишига олиб келиши ҳисобига диагностика учун сарфланадиган харажатларни 50 % га камайтиришга эришилади.

Хулоса: қандли диабет таъсирида авлодларда тўш-қовурға комплекси тузилмалари, хусусан ўсувчи зонаси тоғай пластинкаси параметрларининг камайиши минераллар алмашинуви ҳамда суякланиш маркерлари кўрсаткичларини аниқлаш янги туғилган чақалокнинг туғруқдан кейинги эрта ташхисини талаб қилиши ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 70 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабетнинг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 6 ноябрдаги 03/2374-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда актрапид препарати билан коррекциялаш гипергликемиянинг салбий таъсирини сезиларли пасайиши, тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви мўътадиллашишига, бойлам тузилмалари фиброархитектоникасига негатив таъсири сезиларли камайиши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда актрапид препарати билан коррекциялаш гипергликемиянинг

салбий таъсирини сезиларли пасайишига олиб келади, тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви мўътадиллашишига, амалий тиббиётда аналогик ҳолатларда даволаш ва реабилитация жараёнларини оқилона ўтказишга имкон беради, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга сабаб бўлади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Андижон вилояти ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 05.07.2023 йилдаги 20-сонли буйруқ ҳамда Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 05.07.2023 йилдаги 31/5-И/СН сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда актрапид препарати билан коррекциялаш гипергликемиянинг салбий таъсирини сезиларли пасайишига олиб келади, бу эса улардан туғилган авлодлар тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви мўътадиллашишига ва олдини олиш мумкин бўлган тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг турли патологияларини олдини олишга, шунингдек аҳоли ижтимоий аҳволини яхшиланишига эришилади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

1) қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда актрапид препарати билан коррекциялаш гипергликемиянинг салбий таъсирини сезиларли пасайиши, тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви мўътадиллашишига ва бойлам тузилмалари фиброархитектоникасига негатив таъсири сезиларли камайишига олиб келади ва уларда ривожланадиган нуқсонларни камайишига олиб келиши, бунинг ҳисобига даволаш учун сарфланадиган харажатларни 50% га камайтиришга эришилади;

2) пренатал даврда ҳомиладор оналарда қандли диабетни актрапид препарати билан ўз вақтида ва узвий равишда коррекциялаш, ҳомиладорликни тўғри олиб бориш ҳисобига кўп харажатли ва кўп вақт талаб қилувчи текширув усуллари қўллаш сарф харажатларни камайтиради.

Хулоса: қандли диабет чақирилган ҳомиладор каламушларда гипергликемиянинг салбий таъсири натижасида, тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўсиш пластинкаси тоғайи дифференциаллашуви бузилиши ва бойлам тузилмалари фиброархитектоникасига негатив таъсирига олиб келувчи омилларни эрта бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 100 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 80 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабетнинг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгаши раисига Тошкент педиатрия

тиббийёт институти ректори томонидан 2023 йил 6 ноябрдаги 03/2374-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотида олинган натижалар 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабет таъсирининг замонавий талқини”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси, ҳамдўстлик мамлакатлари, узоқ ва яқин хориж мамлакатларида кўкрак қафаси шаклланишига атроф-муҳит, ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ўрганишга доир илмий манбалар таҳлили келтирилган. Қандли диабетнинг таянч-ҳаракат аъзоларининг морфологик тузилмаларига таъсири, қандли диабетда аъзо ва тўқималар ўзгаришларининг ривожланиш механизмлари, хусусан кўкрак қафаси ва унинг таркибий тузилмалари ривожланишига доир маълумотлар муаллифлар томонидан қанчалик ўрганилганлиги тизимли сарҳисоб қилинган. Таянч-ҳаракат тизими, хусусан кўкрак қафаси ривожланиш нуқсонларининг келиб чиқишида ўрганилган хавф омиллари сифатида кўп этиологик омиллар ўрганилишига қарамай, касалликнинг учраши, патогенетик даволаш ва профилактика масалаларида аниқ чора-тадбирларни белгилаш ривожланиш аномалияларининг камайишига хизмат қилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **”Постнатал онтогенез даврларида тўш-қовурға комплексининг шаклланишига экспериментал қандли диабетнинг таъсирини ўрганиш материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган макроскопик, микроскопик, морфологик ва

морфометрик усуллар тавсифланган. Тадқиқот материаллари тавсифланган, натижаларнинг статистик ишлови берилган.

Тадқиқот тажрибаларини оқ лаборатор каламушларда ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қошидаги Этика кўмитасидан 2021 йил 2 декабрдаги 8-сон мажлис баённомаси билан рухсат олинган.

Тадқиқот тажрибалари 2021 йил 12 декабрдаги ТошПТИ ва ЎзРФАнинг Биорганик кимё институти БФМ фармакологияси ва скрининги лабораторияси ўртасидаги икки томонлама шартномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Биорганик кимё институти Биологик фаол моддалар фармакологияси ва скрининги лабораториясида ўтказилган.

Тадқиқот материали сифатида 150-200 грамм оғирликдаги 34 та оқ урғочи ва 10 та эркак лаборатор каламушлардан фойдаланилди. Лаборатор ҳайвонлар икки гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳни назорат учун танланган 9 та урғочи каламушлар ташкил этди. 2- гуруҳга эса тажриба учун 25 та урғочи ҳайвонлар киритилди.

Урғочи каламушлар инъекциядан олдин 24 соат давомида стандарт бўйича оч қолдирилди. Шундан кейин ҳар бирининг вазни ўлчанганда урғочи каламушларнинг ўртача вазни 150-200 граммни ташкил қилди. Эксперимент гуруҳи каламушларига аллоксан 150 мг/кг миқдорда 15 мл дистилланган сув билан аралашмаси қорин бўшлиғига бир маротабали интраперитониал инъекция йўли орқали киритилди.

Тажрибадаги ҳайвонларда аллоксан юборилгандан 15 минут ўтгач, талваса бериш ҳолати кузатилди. 5-7 соат оралиғида думлари кўкариб, кейинги 24-48 соат давомида кучли сувга бўлган эҳтиёжнинг ошиши, полиурия, енгил қалтираш ва тахикардия белгилари кузатилди. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар мунтазам қондаги глюкоза миқдори ўлчаб борилди. Қонда глюкоза миқдорининг тахминий 350 мг/дл (Плюс Сателлит.Россия) гача ошиши гипергликемияни тасдиқлайди.

Тажрибанинг 8-кунида аллоксан диабет чақирилган тажриба ҳайвонлари коррекция қилинган ва қилинмаган гуруҳга ажратилди. Коррекция қилинган гуруҳ каламушларига актрапид препарати каламуш ҳомиладорлик тугагунча бўлган даврда қорин соҳаси тери остига инъекция қилинди.

Эксперимент учун тажриба гуруҳларидаги ҳомиладор каламушлардан туғилган авлодларининг 14-, 21-, 30-, 45-, 60-кунлик даврларида тўшқовурга комплекси ажратиб олинди.

Тажриба ва назорат гуруҳи жониворларидан олинган илмий-тадқиқот материалларнинг гистологик текширувга олиш ва тайёрлаш “IPSUM PATOLOGY” ОАЖ лабораториясида 2021 йил 03 майдаги №38 сонли шартнома асосида олиб борилган.

Экспериментал ёш каламушлар дастлаб этик коидаларга мувофиқ махсус идишга солиниб, хлороформ билан ҳушсизлантирилди ва декапитация амалга оширилди.

Тайёрланган кесимлар бириктирувчи тўқималарни тузилишини ўрганиш учун Ван Гизон ва Гематоксилин-эозин ҳамда ШИК ва Массон усулларида бўялди. Тайёр микропрепаратлар CARL Zeiss Microscopy GmbH микроскопда кўрилди ва Axio Lab.A1 (Германия) фотоаппаратида расмга олинди.

HUMAN (Германия) колорометрик жамланмасидан фойдаланиб қон зардоби таркибида асосий минераллар: Ca, P, Mg концентрацияси таҳлили ўтказилди.

“ELISA” фирмаси реагентлари ёрдамида суякнинг резорбция маркери – ишқорий фосфатаза ҳамда ремодуляция маркери -  $\beta$ -STX миқдори таҳлил қилинди.

Морфометрик тадқиқотлар икки усулда олиб борилди. Даставвал электрон штангенциркул ёрдамида тўш-қовурға комплекси структур ўлчамлари органометрик ўлчаш амалга оширилди. Микроморфометрик тадқиқотларда қуйидаги параметрлар: тўш суягининг барча суяк сигментларининг узунлиги, мазкур соҳалардаги суяк кенлиги ва улар орасидаги учта (юқори, ўрта ва пастки) ўсиш зоналарда тоғай қатламлари қалинлиги ўлчанди. Морфометрик тадқиқотлар Автандилов Г.Г. [1990] усулида амалга оширилиб, олинган рақамлар Axiovision (Россия, Узок Шарқ) дастурида қайта ишланди.


Тадқиқот давомида олинган маълумотлар вариацион статистика усуллари ёрдамида статистик таҳлил ўтказиш мақсадида «MS Excel 2013» офис дастурида маълумотлар базаси тузилган, у ўз ичига бир неча кўрсаткичларни олган. Статистик ишловларда қуйидаги асосий мезонлар: ўртача арифметик қиймат (M), ўртача стандарт хатолик (m), ўртача квадрат оғиш (B), нисбий катталиклар (учраш %), Студент мезони (t) га эътибор қаратилди. Солиштириш гуруҳлари орасидаги фарқлар  $P < 0,05$  бўлганда ишонарли деб ҳисобланди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга таянган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг **“Экспериментал қандли диабет таъсирида тўш-қовурға комплексининг морфологик ривожланиш динамикаси”** деб номланган учинчи бобининг **“Назорат гуруҳи каламушларида тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг кузатув даврларидаги морфологик кўриниши”** бўлимида асосий тадқиқот натижаларини солиштирма илмий таҳлил қилиш мақсадида даставвал олдиндан режалаштирилган кузатув даврларида мос равишда назорат каламушлардан олинган авлодларнинг тўш-қовурға комплекси морфологик текширилиб, уларда кузатилган динамик ўзгаришларни ўрганилган.


Дастлабки кузатув даврида каламушларнинг тўш-қовурға комплексининг қовурға тоғайининг тўшга бирикиш соҳалари гистологик текшириш учун морфологик ўрганилганда назорат ҳайвонларда ушбу муддатда қовурға тоғайининг тўш томондан тоғайланиб бориши, суякланишнинг меъёрий шаклланиши кузатув даврига мос келади (1-расм).

Ушбу даврда тажриба гуруҳи ҳайвонларида тўш тоғайининг суякланиш чизиғи бўйлаб симметрик базофиллиги, проксимал суякланиш

интенсивлигининг нисбатан жадаллиги, суяк устунчалари оралиғининг бетартиб шаклланиши, пролифератив тоғай қатламининг нотекис тақсимланиши ва атроф юмшоқ тўқималар оралиғида ёғ ёстиқчаларининг кўплиги кузатилди (2-расм).



**1-расм. Назорат хайвонда ушбу муддатда (14-кун) қовурға тоғайининг тўш томондан тоғайланиб бориши, суякланиш кузатув даврига мос; ВГ., К 200.**



**2-расм. Назорат хайвонда 21 кунлик муддатда қовурға тоғайининг тўш томондан тоғайланиб бориши, суякланиш кузатув даврига мос; Г.Э., К. 200**

Кузатувнинг 14-кунида тўш тўқимаси ўрганилганда назорат каламушларида қовурға тоғайининг тўшга бирикиш жойида чизикли дифференциаллашув перифериядан бошланган, тоғай матриксида периферия бўйлаб дағаллашув аниқланади. Тоғай усти пардаси юпқалашган, тўш-қовурға тоғайи бурчагида нисбатан қалинлашганлиги аниқланди.

Эрта постнатал онтогенез босқичларида ўсиш динамикасида назорат каламушларнинг авлодларидаги тўш-қовурға комплекслари морфологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, хомиладорлик ва эмизиш даврида онанинг авлодда тўш суяги ривожланиш механизмининг динамик ўзгаришига таъсир кўрсатади. Кузатувнинг 21-кунида тўш суяги ўсишининг 4-зонасидаги тоғай тўқималарида ва қовурғаларнинг бирикиш жойларидаги синхондрозда намоён бўлади.

30-кунга келиб барча тўртала ўсиш зонасида транзитор тўқималари бир хил архитектурага эга. Иккала томондаги (проксимал ва дистал) қовурға суякларнинг ўсиш зоналаридан суяк шаклланишининг бир хил механизми билан ажралиб туради. Назорат гуруҳи изоген хондроцитлар, эрта даврларда (14-кун) улар хаотик, якка-якка, жуфт-жуфт жойлашган бўлса, кейинги даврларда (21-30 кун) турли ўлчамдаги ўртача 3-4 хужайрадан иборат кичик изоген гуруҳлар кузатилади. Бу хондроцитларнинг шакли эллиптик ёки цилиндрсимон, айрим жойларда юмалоқ шаклли хужайралар аниқланади.


Кейинги даврларда (45-,60-кун) хондроцитларда цитоплазма билан ўралган шарсимон ёки юмалоқ ядро жойлашган. Ўсиш зонаси пролифератив хужайралар билан ифодаланади, улар устун шаклида жойлашиб, ҳар бир устунда 10-12 тагача хужайрадан иборат. Ушбу хондроцитлар кўшни устунлардан матрикс асосий моддасининг қатламлари бўйлаб узунасига йўналган аниқ фибриллалар тўплами билан ажралиб туради. Ушбу зонанинг

баъзи хондроцитларида митотик нақшлар аниқланган. Асосий гуруҳнинг каламушларида митоз жараёнининг алоҳида ҳолатлари аниқланади.


“Экспериментал қандли диабет моделидаги ҳомиладорликдан туғилган авлодда тўш-қовурға комплекси суяк-тоғай-бойлам тизимининг морфологик ўзгаришлари” бўлимида экспериментал гуруҳ ҳайвонлари кузатув даврларида морфологик ўрганилганда тоғай тузилмалари, уларнинг ўзаро бирикиши (тўш тоғайини қовурға тоғайига), олд ва орқа юзасидан бириккан бойлам аппаратининг хусусиятларига, шунингдек учта (юкори, ўрта ва пастки) ўсиш зоналари орасидаги 4 та суяк фрагментлари ҳолатига эътибор қаратилди.

Янги туғилгандан то икки ҳафталик давригача овал шаклда аниқ суякланган 4 та фрагментдан иборат тўш суяги ва унга жойларда бириккан қовурға тоғайлари макроскопик кўрувда юпқа парда билан ўралган тузилмани эслатади. Назорат каламушларининг мос даврларига нисбатан нозик толали тўқима билан қопланганлиги аниқланди. Ушбу парда қовурға тоғайлари орасида янада юпқа, тиник манзарага эга. Тўш қовурға комплекси пирамидасимон тузилиши назорат ҳайвонларидан фарқ қилмасида, унинг сезиларли яссилиги аниқланди.

Гистологик текширув учун қовурға тоғайининг тўшга бирикиш соҳалари морфологик ўрганилганда:



**3-расм. АКД да тўш тоғайининг суякланиш чизиғи бўйлаб ассимметрик базофил бўялиши. Г.Э. К.400.**



**4-расм. Проксимал суякланишнинг нисбатан жадаллиги; суяк устунчалари оралиғининг бетартиб шаклланиши; Массон. К.400**


Кузатувнинг дастлабки оғи динамикаси илмий таҳлил қилинганда асосий тадқиқот гуруҳидан изоген хондроцитлар кузатилмайди, эрта даврларда (14-21 кун) улар хаотик, якка-якка, жуфт-жуфт жойлашган бўлса, кейинги даврларда (21-30 кун) турли ўлчамдаги ўртача 4 ҳужайрадан иборат кичик изоген гуруҳлар кузатилади. Кейинги даврларда (60-кун) хондроцитларда цитоплазма билан ўралган шарсимон ёки юмалоқ ядро жойлашган. Ўсиш зонаси пролефератив ҳужайралар билан ифодаланади, улар устун шаклида жойлашиб, ҳар бир устунда 10 тагача ҳужайрадан иборат.

“Актрапид билан коррекция қилинган диабетда тўш-қовурға комплекси тузилмаларининг ўзгаришини солиштирма морфологик баҳолаш” кичик бобида ҳомиладорлик даврида аллоксанли диабет чақирилгандан кейин 8-


кунидан бошлаб, каламушларга актрапид дори воситаси гипергликемик ҳолатни фармакологик коррекция қилиш учун берилганда каламушларда диабетга мансуб ташқи умумий белгилар сезиларли сўниши кузатилди. Ҳомиладор каламушларнинг сувга ва овқатга муносабати мўтадиллашуви ва ҳулқ-атворида стабиллашиш кузатилди.

Дастлабки кузатув даврида 2-тажриба гуруҳи ҳайвонларида тўш тоғайининг суякланиш чизиғи базофиллиги тартибга тушганлиги, проксимал ва дистал суякланиш интенсивлигининг нисбий жадаллиги бир-биридан аҳамиятсиз фарқланади, суяк устунчалари оралиғининг тартибсиз шаклланиши сақланган, лекин устунчаларда қалинлиги сезиларли ўзгариб, улар орасидаги бўшлиқларга ретикуляр тўқима ўсиб кирган. Проллифератив тоғай қатламининг нотекислиги хос бўлиб, атроф юмшоқ тўқималар сийраклиги 1-тажриба гуруҳидан фарқ қилмайди (5-расм).

14-кундаги препаратларда тўш суяги ўрганилганда қовурға тоғайининг тўшга бирикиш жойида дифференциаллашув перифериядан бошланган, тоғай матриксида периферия бўйлаб толали тузилмалар концентрацияси аниқланади. Тоғай усти пардаси юпқалашган, тўш-қовурға тоғайи бурчагида 1-тажриба ҳайвонларига нисбатан қалинлашган (6-расм).



**5-расм. Проллифератив тоғай қатламининг нотекислиги хос бўлиб, атроф юмшоқ тўқималар сийраклиги 1- тажриба гуруҳидан фарқ қилмайди. Массон. К. 200**



**6-расм. Хондроцитларда цитоплазмада шарсимон ядро жойлашиб, ўсиш зонаси пролифератив ҳужайралари ҳар бир устунда 8-9 тагача ҳужайралар жойлашган. Массон. К.400**

Фармакологик коррекция қилинган оналардан туғилган авлодларда онтогенезнинг эрта босқичларида ўсиш динамикасида каламушларнинг тўш-қовурға комплекслари морфологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида авлодда тўш суяги ривожланиш механизмининг динамик ўзгаришига таъсири ушбу гуруҳда ҳам сезилади, айниқса бойлам тузилмаларида ушбу аломатлар толалар тақсимотининг бузилиши билан намоён бўлган. 21-кунга келиб тўш суяги ўсишининг 4-зонасидаги тоғай тўқималарида ва қовурғаларнинг бирикиш жойларидаги синхондроз зоналари шакллана бошлаган. Кузатувнинг 30-кунига келиб, барча учта ўсиш зонасида тоғай тўқималари дифференциаллашуви сезиларли ривожланган. Иккала томондаги

